



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 27 июнь, № 130 (9301)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РАҚАМЛАШТИРИШ — ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

**Президент Шавкат Мирзиёев яширин иқтисодиёт
улушини қисқартириш ва соҳада прокурор назорати
самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари
юзасидан тақдимот билан танишди.**

Кейинги йилларда бу борада тизимли ишлар амалга оширилди, хусусан, яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича махсус ва ҳудудий комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди, солиқ ва божхона органларида хавф таҳлили ҳамда сегментлаш тизимлари жорий этилиб, қонунчиликдаги яширин айланмаларга йўл очаётган бир қатор “туйнук”лар ёпилди, қонунга итоаткор тадбиркорларни рағбатлантириш чоралари эса кучайтирилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида сўнгги икки йилда кузатилмайдиган иқтисодиёт улуши 35 фоиздан 23 фоизгача камайдди, бюджетга қўшимча 38 триллион сўм ундирилди, расмий банд аҳоли сони 8,5 миллион нафардан ошди, расмий ўртача иш ҳақи эса 6,5 миллион сўмга яқинлашди.

Шу билан бирга, яширин иқтисодиёт улуши ҳали ҳам юқориликча қолмоқда. Статистик баҳолашларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорадаги кузатилмайдиган иқтисодиёт ҳажми қишлоқ хўжалигида 81,1 триллион сўмни, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 24,5 триллион сўмни, қурилишда 23,9 триллион сўмни, саноатда эса 6,7 триллион сўмни ташкил қилмоқда.

Яширин иқтисодиёт бюджет даромадларини камайтириш билан бир қаторда мамлакатдаги соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатиш, норасмий бандлик туфайли фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини пасайтириш, аҳоли (истеъмолчилар) ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонун билан белгиланган қаролат ва қўллаб-қувватлаш механизмларида тўлиқ фойдалана олмаслики каби оқибатларга олиб келади.

Мамлакатимизда 2030 йилгача яширин иқтисодиёт ҳажмини икки баробар қисқартириш, расмий банд аҳоли сонини 14 миллион нафарга, нақдсиз тўловлар улушини 75 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари томонидан сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда соҳалар ва ҳудудлар кесимида яширин иқтисодиёт хавфи, эҳтимолий бюджет йўқотишлари ва қўшимча даромад манбаларини акс эттирадиган ягона рақамли платформани яратиш, ушбу платформа ёрдамида хуфёна айланмаларини келтириб чиқараётган омишларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш зарурлиги бўйича кўрсатмалар берилган эди.

Тақдимотда айнан шу мақсадда Бош прокуратура томонидан яратилган ва синов тартибидеда ишга туширилган “Яширин иқтисодиёт харитаси” платформасининг имкониятлари ҳақида ахборот берилди.

Платформа иқтисодиётнинг 22 та асосий тармоғи, 85 та соҳа, 14 та маъмурий ҳудуд ва 208 та туман-шаҳар кесимида яширин айланмалар хавфини аниқлаш ва масъуллар томонидан уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш орқали бюджет даромадларини ошириш ҳамда соғлом рақобатни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Платформани яратишда солиқ, божхона, молия, иқтисодиёт, статистика, эконометрика ва эҳтимоллар назарияси

йўналишлари бўйича бир қатор малакали мутахассислар жалб қилиниб, юздан ортиқ хавф мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда уларга ҳудуд ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари, солиқ режими, товар айланмаси, бюджет учун аҳамияти ва бошқа омишларни инобатга олган ҳолда индивидуал коэффицентлар белгиланган.

Соҳа ва ҳудудлар кесимида яширин иқтисодиёт хавфи ва эҳтимолий бюджет йўқотишларини аниқлаш мақсадида платформага 16 та масъул вазирлик ва идоранинг ахборот тизимлари интеграция қилинган ва барча маълумотларни реал вақт режимида қайта ишлаш имконияти яратилган.

Платформа таҳлиллари асосида яширин иқтисодиёт хавфи ва эҳтимолий бюджет йўқотиши миқдоридан келиб чиқиб, соҳа ва ҳудудлар автоматик тарзда “яшил”, “сарик” ҳамда “қизил” тоифаларга ажратилади.

Мазкур платформа орқали лицензиясиш фаолият юритиш, ҳақиқий айланма, иш ўринлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини яшириш, рентабеллик ва фойдани камайтириш каби хавфлар автоматик аниқланади.

Тақдимотда платформанинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда соҳада прокурор назоратини рақамлаштириш орқали уни янги босқичга олиб чиқиш тақдир этилди.

Мазкур жараёнда яширин иқтисодиётга қарши курашишга масъул вазирлик ва идораларнинг куч ва воситалари платформа таҳлиллари асосида манзилли йўналтирилади, уларни назорат қилишда эса инсон омили янада камайтирилади. Яширин иқтисодиёт хавфи юқори бўлган соҳа ва ҳудудлар автоматик тарзда аниқланади, сабаблар таҳлил қилинади, масъул идораларга манзилли топшириқлар берилибди, ижро назорат қилинади ва натижалар баҳолаб борилади.

Агар туман ёки шаҳар даражасида муаммо ҳал этилмаса, масала вилоят босқичига, зарур ҳолларда республика даражасига олиб чиқилади. Тизим орқали муаммонинг илдиз сабаблари аниқланиб, уни бартараф этиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва бюджет даромадларини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари яширин иқтисодиётни қисқартиришда асосий эътибор рақамлаштириш, маълумотлар алмашишуви кучайтириш, инсон омилини камайтириш ва назоратни манзилли ташкил этишга қаратилиши зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Масъулларга 1 октябрга қадар 70 дан ортиқ ахборот тизимларини платформага интеграция қилиш, 1 январга қадар барча ҳудудлар ва соҳаларни ушбу платформа билан қамраб олиб, тўлиқ ишга тушириш топширилди.

Шунингдек, барча тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат шaroитларини яратиш ва яширин иқтисодиётни қисқартиришда мутасаддиларнинг масъулиятини оширишда прокурор назоратини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Сиз, азизларни — мамлакатимизнинг босма ва интернет нашрлари, телерадиоканаллар, ахборот ва медиа хизматларида, нашриёт ва матбаа корхоналарида сидқидилдан меҳнат қилаётган ижодий ва техник ходимларни, захматкаш журналистлар, муҳтарам факрийларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Мен сизларни — юксак билим ва салоҳиятга эга, ватанпарвар барча журналистларни ўзим учун доимий маслакдош, жонкуяр дўст деб билишимни яна бир бор изҳор этаман.

Бу йил ушбу қутлуғ айём миллий матбуотимиз асоси — жадид боболаримиз томонидан “Тараққий” газетаси ташкил этилганига 120 йил, юртимизда радиоэшиттиришлар илк бор таъриб тарихида узатилганига 100 йил тўлган кунларда нишонланаётгани унга алоҳида шукӯҳ бағишламोқда.

Биз бундан ўн йил олдин демократия, очкичлик ва шаффофлик тамойиллари, “Инсон қадри учун, инсон бахти учун!” деган эзгу ғояга таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни қуришга киришган эдик. Ўтган қисқа даврда кўп миллатли халқимизнинг фидокорона ва шаърафли меҳнати билан бу борада улкан ютуқларни кўлга киритдик.

Жумладан, жамиятимизда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолиятининг очкикли-

гини кенгайтириш, ахборот соҳасини рақамлаштириш ва замонавий медиамаконни шакллантириш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Яратилган мустақкам ҳуқуқий асос, берилган имтиёз ва преференциялар натижасида соҳанинг моддий-техник базаси мустақкамлашиб, унинг таркибиде хусусий секторнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда қарийб 2 минг 700 та оммавий ахборот воситаларининг 67 фоизи, ноширлик субъектларининг 90 фоиздан ортиги, матбаа корхоналарининг 83 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Жорий йилда нашриётларнинг ишлаб чиқариш қуввати ўтган йилга нисбатан икки баробар ортиб, ўртача 15 минг ноддаги жами 60 миллиондан ортиқ нусхада китоблар нашр этилди.

Мазкур кўрсаткичлар мамлакатда ахборот соҳасини либераллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш, медиа фаолиятини қўллаб-қувватлаш ишлари ҳамда ахборот хизматлари бозори кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ахборот оқими кескин ортиб, дидфейк технологиялари кенг тарқалаётган бугунги даврда манбаларнинг ишончли эканига алоҳида эътибор қаратиш мамлакатимизда ҳам муҳим кўнжикмага айланди. Қисқа вақтда турли медиалойихалар орқали 10 минг

ёшни қамраб оладиган замонавий таълим тизими шакллантирилди.

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Биз эркин ва масъулиятли, халқчил журналистикани жамият ва давлат ривожланишининг зарур шартларидан бири деб биламиз. Бу борада оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолияти учун имкониятларни янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, касб маҳорати ва малакасини ошириш, жумладан, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнатини рағбатлантириш, соғлигини мустақкамлаш ва яшаш шaroитларини яхшилашга қаратилган янги чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг нуфузини ошириш ва ислохотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш зарур деб ўйлайман. Нега деганда, тез ўзгараётган бугунги даврнинг ўзи ушбу жамоат бирлашмаси олдида янги ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳуқуқий ва инфоормацион-технологик ёрдам кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда касбий бирдамлигини таъминлаш каби масалаларга жиддий эътибор қаратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

ОАВ — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ ВА ВИЖДОНИ



Ахбор. МИХАИЛ/АДОВ отен. сурот.

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари йўлаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг коммуникациялар департаменти раҳбари — Президентнинг Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, бундан ўн йил олдин демократия, очкичлик ва шаффофлик тамойиллари, “Инсон қадри учун, инсон бахти учун!” деган эзгу ғояга таянган ҳолда Янги Ўзбе-

кистонни қуришга киришилган эди. Ўтган қисқа даврда кўп миллатли халқимизнинг фидокорона ва шаърафли меҳнати билан бу борада улкан ютуқлар кўлга киритилди.

Жумладан, жамиятимизда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолиятини очкичлигини кенгайтириш, ахборот соҳасини рақамлаштириш ва замонавий медиамаконни шакллантириш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ВАТАН КЕЛАЖАГИ БУНЁДКОРЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 30 июнь — Ёшлар кун

Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар парламенти ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ёш ҳарбий хизматчилари, Жамоат хавфсизлиги университети талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳияти, фуқаролик позицияси, ватанпарварлик туйғуси ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир.

АХБОРОТ ВА АДОЛАТ МАЙДОНИНИНГ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Ҳар бир давлат тараққиётини белгилайдиган муҳим мезонлар бор. Улардан бири — сўз ва матбуот эркинлиги. Шу маънода, мамлакатимизда ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари соҳасида юз бераётган ўзгаришлар кўлам ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бу жараёни бир рақам ёки қарорлар билан эмас, балки жамият ҳаётидаги ўзгаришлар орқали ҳам яққол кўриб, гувоҳи бўлиш мумкин.

Илгари кўпчилик учун ёпиқ

бўлган масалалар бугун матбуотга чиқмоқда. Давлат идоралари раҳбарлари жамоатчилик олдида ҳисоб беряпти. Фуқароларнинг муаммолари ижтимоий тармоқ ва ахборот платформалари орқали тезкор муҳокама қилиниб, уларга ижобий ечим изланяпти. Муҳими, эндиликда журналистика жамият манфаатини ифода этувчи муҳим шахс сифатида қаралмоқда.

Муносабат

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Камбағалликни қисқартириш масаласи устувор вазифаларимиздан бири бўлиб, жойлардаги депутатларимиз, фидойиларимиз аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббусларни амалга оширишда бевосита иштирок этишга интилоқда.

Мамлакатимизда 2025 йил якунларига кўра, ишсизлик даражаси 4,9 фоизга тушиб, қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағаллик ҳолатидан чиққани, илк бор 1 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлангани билдирилган эди.

Бу борадаги сайё-ҳаракатлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттириляётир. Давлат раҳбари бошчилигида маҳалла тизимини рақамлаштириш ва илмий асосда ривожлантириш чоралари муҳокама қилинганда ҳам айна масалага алоҳида ургу берилди. Хусусан, йил якунига қадар 1 миллион аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳалалар сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 мингтага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизгача тушириш мақсад қилинган таъкидланди.

Тан олиш керак, марра баянд, унга эришиш учун му-тасадди ташкилотлар, ҳудудлардаги депутатлар астойдил ҳаракат қилиши, имкониятлардан унумли фойдаланиши зарур. Битта оиланинг мунтазам даромадга эга бўлиши у ердаги муҳитга ва кайфиятга қанчалик ижобий таъсир қилишини ҳисобга олсак, камбағалликни қисқартириш жараёнларида қатнашиш, эзгу ишларга ҳисса қўиши бурчимиз экани аён бўлади.

Ҳар бир вазифанинг мақсади ва маблағи аниқ. Маҳаллаларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда. Хусусан, республика бюджетидан “огир” туман ва маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш учун 12 трлн. сўм йўналтирилган. Туман ҳокимликлари ва маҳаллий Кенгашлар “огир” туман ва маҳаллалар учун қўшимча 4 трлн. сўм маблаққа ҳам эга бўлган.

МАҚСАД — КОРРУПЦИЯНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАЁТГАН САБАБЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш томонидан коррупцияга қарши курашиш ишларининг ҳолати ҳудудлар ва соҳалар кесимида тизимли ўрганиб келинмоқда. Шу кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари, шунингдек, Мақтабгача ва мактаб таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларида сайёр муҳокамалар ўтказилган.

Йиғилиш

Кеча Миллий кенгашнинг навбатдаги сайёр мажлиси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида коррупциянинг олдини олиш масалаларини танқидий кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, сув мамлакатининг озик-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий барқарорлиги учун муҳим стратегик ресурс ҳисобланади. Шу боис соҳада давлат маблағларидан самарали фойдаланиш, очкичлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупция хавф-

ларини бартараф этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Тадбирда сув хўжалиги соҳасида коррупциянинг олдини олиш, давлат маблағларидан самарали фойдаланиш, рақамлаштиришни жадаллаштириш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ҳамда соҳада очкичлик ва шаффофликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, 2024–2025 йилларда ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида сув хўжалиги тизимида 301 нафар ходим томонидан 243 та коррупциявий жиноят содир этилган бўлиб, оқибатда давлат ва жамият манфаатларига 70 млрд. сўмдан ортиқ зарар етказилган.

Муҳокама жараёнида бюджет маблағларини талон-торож қилиш, сув те-

жовчи технологиялар учун ажратилган субсидиялардан ноқонуний фойдаланиш, сув фонди ерларини бошқаришдаги қонунбузарликларни, рақамлаштириш ишларининг сустилиги ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўрнатилган “ақли” сув қурилмаларининг катта қисми бугунги кунга қадар тўлиқ самарали ишламаётгани танқид қилинди.

Мажлисда коррупцияга қарши курашишда асосий эътибор алоҳида ҳуқуқбузарликларга эмас, балки уларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шaroитларни бартараф этишга қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлиси якунида Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига муҳокама жараёнида билдирилган тақлифлар асосида ўн кун муддатда соҳада коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда Миллий кенгашга киритиш вазифаси юклатилди.

«Халқ сўзи».

2

2



ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқотга киришиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўз сайлов округларида бўлиб, фуқаролар билан учрашувлар ўтказишмоқда.

Маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхоналари ишчи-ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилаётган учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилаяпти.

Экологик барқарорлик ва эл ободлиги йўлида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Абдушукур Ҳамзаев Бухоро вилоятида бўлиб, давлатимиз раҳбарининг қарор ва фармонлари, экологик соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижроси ҳамда ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотларни ўрганиди.

Учрашувлар давомида таълим муассасаси, маҳалла институти, намунавий хонадон ва стратегик аҳамиятга эга сув ҳўжалиги объекти фаолияти билан танишиб, соҳадаги амалий ишлар парламент назорати нуқтаи назаридан таҳлил қилинди.

Фракция раҳбарининг дастлабки манзили Олот туманидаги “Шайхлар” маҳалла фуқаролар йиғини бўлди. У ерда “маҳалла еттилиги” фаолияти ҳамда аҳоли билан ишлаш тизими ўрганилди. Сўхбатларда маҳалла институтини ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва яшил ҳудудларни қўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга қаратилган фармони ижроси доирасида партия ва маҳалла ҳамкорлигига “маҳалла боғи” лойиҳасини амалга ошириш, қўчаларни парваришларни кўчабошилар ҳамда хонадон эгаларига бириктириш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди. Бундай ёндашув эса нафақат маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилайдиган, балки аҳолининг табиатга дахлдорлик ҳиссини ҳам мустаҳкамлайди.

А. Ҳамзаев Олот туманидаги “Човдир” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи экофаол Бешиш Бекмуродов хонадонидан ҳам бўлди. Намунали тарзда обод этилган ушбу хонадонда манзарали ва мевали дарахтлар, гулзорлар, томорқадаги замонавий иссиқхона ҳамда ҳудуднинг экологик жиҳатдан оқилона ташкил қилинганлиги алоҳида эътироф этилди.

Хонадондаги иссиқхона фаолияти оила даромадини таъминлаш билан бирга ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишининг амалий намунаси сифатида баҳоланди. Сўхбат чоғида ана шундай экологик маданияти юксак, обод ва кўркам хонадонлар “яшил хонадон” таъмоилининг ҳаётий ифодаси экани таъкидланиб, уларнинг тажрибасини оммалаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Мазкур учрашувлар давомида фракция раҳбари Олот туманида жойлашган “Аму — Бухоро” машина канали бошқармаси тасарруфидаги “Аму — Бухоро-1” насос станциясида бўлди. Стратегик аҳамиятга эга мазкур иншоотнинг техник имкониятлари, сув етказиб бериш

қуввати ва энерготехжамкор технологиялари билан яқиндан танишилди. Мазкур насос станцияси Бухоро ва Навоий вилоятларининг сув таъминотида муҳим ўрин тутди. Кейинги йилларда Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан амалга оширилган кенг қўламли реконструкция ишлари натижасида объект замонавий, энерготехжамкор ва юқори самарадорликка эга муҳандислик иншоотига айлантирилди.

Ўрганишлар якунида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, насос станцияси фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда экологик хавфсизлик талабларини таъминлаш юзасидан масъулларга тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Самарали кечаётган мулоқотлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фирдавс Шарипов Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Охтом, Чамбил, Янгиқашлоқ, Навбахор, Хайробо, Ўрта қишлоқ ва Мехр-оқибат маҳаллаларида ўрганишлар олиб борди.

Жумладан, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, Хайробо маҳалласида ўтказилган “Уч авлод учрашуви” маданий-маънавий тадбирида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида олиб борилган ислохотлар кенг жамоатчиликка етказилди.

Шунингдек, сайловчиларга янги қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситаларни, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлиқни тақомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти тўшунтирилди.

Округдаги фаолият давомида давлатимиз раҳбарининг “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларнинг йўналишлар ва ҳудудлар кесимида ижро этилиши ҳолати маҳаллалар мисолида жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Фирдавс ШАРИПОВ, депутат:



сида қўрилаётган қонун лойиҳалари бўйи-

— Сайловчилар билан очик ва самимий руҳда ўтган мулоқотларда фуқаролар томонидан кўтарилган қўллаб-қувватларга ижобий ечим топилди. Учрашувлар давомида Қонунчилик палатасида қўрилаётган қонун лойиҳалари бўйи-

ча муҳокамалар ташкил этилиб, қабул қилинган янги қонунлар ҳақида батафсил маълумотлар бердик.

Таъсирчан парламент назорати — амалда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаевнинг сайловчилар билан учрашувлари Самарқанд вилоятининг Бўлунғур туманидан бошланди.

Бешкуви маҳалласида фаоллар иштирокида ўтказилган очиқ мулоқотда аҳолини қийнаётган бир қатор масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Маълум бўлишича, кейинги йилларда маҳалла аҳолиси сонининг ортиб бораётгани мавжуд инфратузилмага қўшимча юклама туширмоқда. Шу боис ҳудуддаги трансформатор қуввати бугунги эҳтиёжни тўлиқ қоплай олмаяпти. Бу эса электр таъминоти сифатига таъсир кўрсатмоқда. Ушбу масала назоратга олиниб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қўшимча қувват яратиш имкониятларини ўрганиш зарурилиги белгиланди.

Мулоқотлар чоғида интернет тармоғи сифати билан боғлиқ мурожаатлар ҳам кўтарилди. Рақамли хизматлар қундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган бугунги шароитда сифатли интернет нафақат қўлайлик, балки таълим, тадбиркорлик ва давлат хизматларидан фойдаланишининг муҳим омиллидир. Шу сабабдан масъул ташкилотлар томонидан ҳудудда ўрганишлар олиб борилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар қўриладиган бўлди.

Кейинги манзил — Сулукўрғон маҳалласи бўлди. Халқ вакили бу ерда 12-умумтаълим мактабида “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида ташкил этилган тўғрақлар, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг қизиқиш ва истеъодларини қўллаб-қувватлаш борисида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Мулоқот давомида педагоглар 1-синфга қабул жараёнида кадастр маълумотлари билан боғлиқ муаммолар қўллаб-қувватловчилик ва ортиқча овозагарчиликларни келтириб чиқараётганини таъкидлади. Бу масала алоҳида ўрганилиб, амалдаги тартибларни тақомиллаштириш ҳамда мавжуд муаммоларга ҳуқуқий ечим топиш мақсадида депутат сўрови юбориладиган бўлди.

Ўрганишлар жараёнида 18-оилавий поликлиникада олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳам кўздан кечирилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати, муддатлари ва самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Депутат А. Пардаев Жомбой туманидаги 54-умумтаълим мактабида “Ёшлар ойлуги” муносабати билан ташкил этилган “Раҳбар ва ёшлар” учрашувида ҳам қатнашди. Йигит-қизлар билан очиқ ва самимий мулоқот қилиб, уларни қизиқтираётган масалалар, тақлиф ва ташаббусларини тинглади.

Шунингдек, мактабнинг янги биносида олиб борилаётган таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Таълим муассасаларида замонавий ва қўлай шароитларни яратиш, ўқувчиларнинг сифатли билим олиши учун муносиб муҳит шакллантириш устувор вазифалардан бири экани ургуланди.

Учрашувлар чоғида Шерқўрғон ва Ногоҳон маҳалласида “маҳалла еттилиги” фаолияти, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ўрганилди.

Азамат ПАРДАЕВ, депутат:



аммолар ҳамда тақлиф ва ташаббусларини очиқ-ойдин билдиришди.

Самимий мулоқотлар чоғида кўтарилган ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратилди. Мурожаатлар атрофида ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Энг муҳими, ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмади. Бундай учрашувлар аҳоли билан яқин мулоқот ўрнатиш, уларнинг дарду ташвишларини бевосита эшитиш ва жойлардаги муаммоларга амалий ечим топишда муҳим аҳамият касб этади.

Тиббиёт

соҳасида ўрганиладиган масалалар кўп

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одилжон Иминов Қизилқор туманида бўлиб, бир қатор тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганиди.

Учрашувларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий жиҳозлар ҳамда дори воситаларини манзилли ва самарали тақсимлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқотлар давомида Қизилқор тумани тиббиёт бирлашмасида мавжуд тиббий жиҳозлардан фойдаланиш ҳолати, уларнинг соз ва носозлиги, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланганлик даражаси ҳамда бу борадаги мавжуд камчиликлар ўрганилди. Айрим тиббий жиҳозларни янгилаш ва қўшимча замонавий ускуналар билан таъминлаш зарурилиги қайд этилди.

Одилжон ИМИНОВ, депутат:

— Ўрганиш якунлари бўйича аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали тегишли чораларни кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишлии белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари самарали бўлди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК — ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан Президент Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази томонидан медиафорум ўтказилди. Таъкидланишича, марказ томонидан шу йил 30 мартдан 26 июнгача республикаимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган ва жами 12 мингдан ортиқ соҳа вакиллари билан бирлаштирган медиахафталиклар ўзаро мулоқот ва тажриба алмашиш майдониغا айланган.

Тадбир

Тадбирда Президент Администрацияси Коммуникациялар департаменти бошлиғи — Президент Матбуот котиби Шерзод Асодов сўзга чиқиб, иштирокчиларни касб байрами билан табриклади ва давлатнинг медиа-сиёсатидаги энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда соҳадаги ислохотлар ҳақида батафсил тўхтади.

У ўз нутқида Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз кенг қўламли трансформация босқичига қадам қўйгани, миллий медиаландшафти ҳам тубдан ислох қилинаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ОАВ ходимлари меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳа моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолиши ҳақидаги сўзлари бунинг яққол исботидир.

Агар маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, айни пайтда юртимизда 2700 та ОАВ фаолияти олиб бормоқда. Бу ўтган йил билан солиштирилганда 15 фоиз қўлдор. Ноширлик субъектлари сони эса 11 фоиз, матбаа корхоналари 29 фоизга ошган. Энг муҳими, бу борада

йил сайин хусусий секторнинг улуши сезиларли даражада ошиб бораётир. Бу рақамлар, албатта, мамлакатимиз ахборот майдонида рақобат муҳитининг юқорилиги, тизимнинг том маънода либераллашганидан дарак беради.

Шунингдек, тадбирда Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази қисқа вақт ичида соҳанинг ўзига хос тажриба ва малака мактабига айланиши ҳам айтиб ўтилди. Негаки, контент маркази томонидан йўлга қўйилган бир қанча лойиҳалар доирасида 10 мингдан зиёд ёшлар бепул ўқиди, 2 мингдан ортиқ миллий ва фойдали видеоконтентлар яратилиб, улар кенг аудитория эътиборига ҳавола этилди.

Эътиборлиси, Марказий Осиёда ягона бўлган “Аura.uz” медиабанки ишга туширилди. Айни чоғда 6 терабайтдан ортиқ ҳажмдаги мазкур платформада 15 мингдан зиёд фото ва видеоматериаллар жамланган. Хар кун мунтазам бой-тиб борилаётган мазкур лойиҳа яқин истиқболда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини оширишга, глобал маконда визуал контент ҳажмини кескин қўпайтиришга шароит яратади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР УЧУН ЎҚУВ МАРКАЗИ

Анджон шаҳрида “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси, Германиянинг “German Sparkassenstiftung” компанияси ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида Тадбиркорлик маркази иш бошлади.

Имконият

Замонавий ускуналар билан таъминланган марказда ўз бизнесини йўлга қўйиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган опа-сингилларимиз уй меҳмонхонаси, оилавий боғча, гўзаллик салони, иссиқхона ташкил этиш, тикувчилик, боғдорчилик, хунармандчилик, қандолатчилик ҳамда компьютер саводхонлиги, IT ва бошқа қатор йўналишлар бўйича махсус курсларда бепул ўқитилади. Машғулотлар “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмасининг малакали мутахассиси ва мураббийлари томонидан олиб борилади.

— Марказнинг асосий фаолияти хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини тақомиллаштириш, шунингдек, аёлларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишга кўмаклашишдан иборат, — дейди “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси раиси ўринбосари Нигорахон Ёкубова. — Бу орқали хотин-қизларнинг доимий даромад манбаи шакллантирилади, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашилади.

Саминхон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

Давлат харидлари ва комплаенс назорати:

ЭЛЕКТРОН ДЎКОНДАГИ ХАВФ ИНДИКАТОРЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат харидлари тизимини рақамлаштириш, инсон омиллини, коррупция хавфларини камайтириш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Давлат харидларининг электрон тизими, электрон аукцион, электрон дўкон ва энг яхши тақлифларни танлаш каби механизмларнинг жорий этилиши мазкур соҳада шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бироқ комплаенс амалиёти шунини кўрсатмоқдаки, ҳар қандай назорат механизмида бўлган каби давлат харидларида ҳам қонунчиликнинг мақсади ва амалдаги қўлланилиши ўртасида муайян фарқлар юзага келиши мумкин.

Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали маълумотларига кўра, 2026 йил 11 июнь ҳолатига электрон дўкон ёрдамида 565 390 та, аукцион йўли билан 9 089 та ва энг яхши тақлифларни танлаш орқали 17 933 та битим тузилган.

Ушбу рақамлар рақобатли харидлар ичида электрон дўконнинг улуши мутлақ устувор эканлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, давлат харидлари тизимида тузилаётган хар 100 та рақобатли битимнинг қариб 95 таси айнан электрон дўкон ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунга қарамай унутманг, мазкур харид турларидаги ҳатто кичик коррупцион хавф ҳам давлат маблағларининг сарфланишига бошқа харид турларига нисбатан анча катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу фикрга ойдинлик қилиртайлик. Аввало, буюртмачилар учун электрон дўкон механизмнинг муҳим ижобий жиҳатлари мавжуд. Бошқа рақобатли харид турларида буюртмачи сотиб олинмаган товарнинг техник параметрларини мустақил белгилайди. Амалиётда эса айнан техник талабларни шакллантириш босқичи маълум бир бренд ёки иштирокчилни афзаллаш билан боғлиқ коррупцион хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

Электрон дўконда эса техник параметрлар буюртмачи томонидан эмас, балки қатнашчилар иштирокида шакллантирилади. Буюртмачи бозорда мавжуд бўлган тайёр оферталар орасидан ўз эҳтиёжига мос келадиганини танлайди. Бу эса техник топшириқ орқали рақобатни чеклаш эҳтимолини маълум даражада камайтиради ҳамда буюртмачига ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган бренд ёки махсулотни қонуний тартибда танлаш имкониятини беради.

Демак, электрон дўкон механизмнинг ўзи коррупцион механизм эмас. Аксинча, у рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган самарали воситадир.

Бироқ комплаенс нуқтаи назаридан мазкур механизмда коррупцион хавф бутунлай йўқолмайдиган, балки бошқача кўринишда намоён бўлади.

КОРРУПЦИОН ХАВФ КАЕРДА ЮЗАГА КЕЛАДИ?

Қонунчиликка мувофиқ буюртмачи электрон дўкондаги оферталардан бирини танлайди ва айнан шу оферта асосида давлат харидларининг электрон тизими ўхшаш товарларни тақлиф қилган иштирокчиларга автоматик тарзда нарх сўрови юборлади.

Кўпчилик коррупцион хавф голибни аниқ-

лаш жараёнида юзага келади, деб ҳисоблайди. Комплаенс таҳлилига кўра эса ундай эмас. Электрон дўконда коррупцион хавф голибни аниқлаш жараёнида эмас, балки рақобатни бошлаб берувчи оферта (лот)ни танлаш босқичида юзага келиши мумкин.

Айнан қайси оферта (лот) асос қилиб олиниши кейинги рақобат муҳитининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

АМАЛИЁТДА УЧРАШИ МУМКИН БЎЛГАН ҲОЛАТ (СХЕМА)

Электрон дўконда кенг тарқалган схемалардан бири буюртмачи ва муайян иштирокчи ўртасидаги олинман келишувдир.

Мазкур схема қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Буюртмачи харид қилинадиган махсулот бўйича бозорни ўрганиди;
- Муайян иштирокчи билан алоқа ўрнатади;
- Техник параметрлар, кафолат муддати ва бошқа талаблар келишиб олинади;
- Мазкур иштирокчи электрон дўконга керакли офертани жойлаштиради;
- Буюртмачи минглаб оферталар ичида айнан ушбу офертани танлайди;
- Шундан кейин нарх сўрови механизми ишга тушади.

Натижада рақобат расман сақланган бўлсада, харид натижаси кўп ҳолатларда рақобат бошланмасидан аввал шакллантирилган бўлади. Ва бу ҳолатда электрон дўкон коррупция воситасига айланмайди, балки аввалдан шакллантирилган қарорни қонунийлаштириш воситаси сифатида намоён бўлади.

НИМА УЧУН МИНГЛАБ ЛОТЛАР ОРАСИДАН АЙНАН ШУНИСИ ТАНЛАНДИ?


- Агар ушбу қарор
- хизмат эҳтиёжидан келиб чиққан;
- иқтисодий жиҳатдан асосланган;
- тегишли тартибда ҳужжатлаштирилган бўлса, бундай ҳолда коррупцион хавф сифатида баҳоланмаслиги мумкин.
- Бироқ агар лот
- муайян иштирокчи билан аввалдан келишув асосида;
- шахсий манфаатдорлиқни кўзлаб;
- объектив сабабларсиз танланган бўлса, мазкур ҳолат комплаенс нуқтаи назаридан юқори коррупцион хавф ҳисобланади.

КОМПЛЕНС ХИЗМАТИ УЧУН ХАВФ ИНДИКАТОРЛАРИ

Электрон дўкон орқали амалга оширилган харидларни таҳлил қилишда қуйидаги ҳолатлар хавф индикатори сифатида баҳоланиши мумкин:

- бир хил иштирокчи оферталарининг мунтазам равишда танланиши;
- оферта (лот) танлаш қарорларининг асосланмаганилиги;
- муайян иштирокчи билан тузилган шартномалар улушининг юқорилиги;
- бошқа иштирокчи голиб бўлган ҳолатларда шартномаларнинг тез-тез бекор қилиниши;
- бир неча марта қайта ўтказилган харидлар;

ИНСОН МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРАДИГАН ҲАЁТБАХШ САРЧАШМА



Анжуман доирасида халқаро кўрик-танлов, илмий-амалий конференциялар, маҳорат дарслари, маданий дастурлар ҳамда иштирокчилар учун Наманганнинг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар ташкил этилди. Бу тадбирлар миллий мақом санъатини чуқур ўрганиш ва унинг бой анъаналарини халқаро миқёсда тарғиб этишга хизмат қилди.

Айниқса, халқаро танловнинг якуний босқичи барча иштирокчилар учун унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Саҳнада хонанда ва созандалар юксак ижро маҳоратини намойён этди. Иштирокчилар кишилари халқаро ҳақамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Ниҳоят, кеча бўлиб ўтган халқаро анжуманнинг ёпилиш маросимида халқаро танловнинг ғолиб ва совриндорлари эълон қилиниб, улар муносиб тақдирланди.

Ташкилий қўмита қарорига мувофиқ Гран-прига Ўзбекистон вакили Ориф Эргашев муносиб қўрилиб, у диплом, статуэтка ва 15 000 АҚШ доллари миқдоридagi мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, 1, 2, 3-ўрин соҳиблари ҳам муносиб тақдирланди.

Бундан ташқари, фаол ижрочилар «Энг яхши мақом хонандаси», «Энг яхши мақом созандаси»,

«Энг яхши мақом устози», «Энг яхши мақом тарғиботчиси», «Энг яхши ёш мақомчи», «Энг яхши мақом бастакори» номинациялари бўйича махсус совғалар ва мукофотлар билан рағбатлантирилди. Шунингдек, анжуманда қатнашган ҳар бир иштирокчига «Халқаро мақом санъати анжумани иштирокчиси» сертификати тақдим этилди.

Наманганда ўтказилган III халқаро мақом санъати анжумани ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбиди миллий мумтоз санъатимизга хурмат ва эътибор туйғусини мустаҳкамлаш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини янада кучайтириш, ижодий ҳамкорлик ҳамда маданий-маънавий муносабатларни халқаро миқёсда кенгайтириш йўлида муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз ушбу анжуманнинг очилиш маросимидаги нутқидида уруғ берганидек, мақом инсон қалби ва юрагиди эзгу туйғуларни тарбиялайдиган, шу асосда ёшларнинг маънавий оламини юксалтирадиган ҳаётбахш сарчашма эканлигини яна бир карра исботлади.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМЛАР

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни фаол жалб этиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида Фарғона вилоятининг иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиш суръатларини намойён этмоқда. Натижада ҳудуднинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти, sanoat ишлаб чиқариши ва экспорт ҳажмидаги улуши ҳам изчил ортиб, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти мустаҳкамланиб бораётди.

Нуқтаи назар

Бугунги глобал иқтисодий жараёнлар ва рақобат муҳити тобора мураккаблашиб бораётган шароитда ҳар бир ҳудуднинг салоҳияти унинг молиявий барқарорлиги, инвестициявий жозибдорлиги ва халқаро ҳамкорлар ишончини қозона олиш даражаси билан баҳоланмоқда. Шу нуқтаи назардан, кўплаб ҳудудларимиз иқтисодий фаоллик, инвестицияларни жалб қилиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида эришилаётган натижалари билан мамлакат тараққиётининг муҳим драйвери сифатида намойён бўлмоқда.

Фарғона вилояти ана шундай юксак ишончга сазовор бўлган ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилган. Жумладан, «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан вилоятга «BB-» даражасидаги «Барқарор» рейтинг берилиши ҳудуднинг иқтисодий қудрати, халқнинг меҳнатсеварлиги ва бу ерда амалга оширилаётган ислохотларнинг юксак эътирофи бўлди.

Мазкур муваффақият ортида минглаб тадбиркорларнинг изланиши, sanoat корхоналаридаги меҳнат, аграр соҳадаги аниқлашлар ва ҳудудни тараққий эттиришга қаратилган улкан сайёҳаракатлар мумкин. Зеро, иқтисодий барқарорлик халқнинг эртанги кунга ишончи, тараққиётга интилиши ва келажақ сари ташланган мустаҳкам қадамлар ифодаси, дегани.

Иқтисодиётнинг муҳим таянчи

Фарғона вилояти Ўзбекистоннинг аҳоли зич жойлашган ва иқтисодий жиҳатдан энг фаол ҳудудларидан ҳисобланади. Вилоят мамлакат аҳолисининг тахминан 11 фоизини ўз ичига қамраб олган бўлиб, меҳнат ресурслари ва истеъмол бозори ҳажми жиҳатидан катта иқтисодий имкониятларга эга.

Вилоят иқтисодиёти тармоқлар кесимида диверсификациялашган бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги, sanoat, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳалари

асосий драйвер вазифасини бажаради. Ҳудуд мамлакатнинг муҳим sanoat марказларидан бири бўлиб, нефть-кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва енгил sanoat тармоқлари ривожланган.

Айниқса, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, кимё sanoati корхоналари ҳамда тўқимачилик кластерлари ҳудуд иқтисодиётининг муҳим таянчи ҳисобланади. Sanoat тармоқларининг ривожланиши қўшимча иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ошириш ва маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш имконини бермоқда. Сўнгги йилларда ҳудудда кичик sanoat зоналари, эркин иқтисодий зоналар ва инновация ишлаб чиқариш марказларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса хусусий секторнинг фаоллигини оширишга хизмат қилган.

Фарғона вилояти аграр соҳада ҳам муҳим ўринга эга. Ҳудудда пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик кенг ривожланган. Айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш йўналишида катта имкониятлар мавжуд. Вилоятнинг иқлим шароити ва сув ресурслари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун қўлай муҳит яратди.

Бугунги кунда агрокластерлар фаолиятини йўлга қўйиш, интенсив боғлар ташкил этиш ва қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Бу эса маҳсулот ҳажми ва сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Савдо, транспорт, логистика, ахборот технологиялари ва туризм хизматлари иқтисодиётининг муҳим сегментига айланиб бораётди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари натижасида минглаб янги субъектлар ташкил этилди. Бу



Халқаро рейтинг хулосалари

Халқаро эътироф масаласига қайтиб, янада кенгроқ фикр юритсак, «Fitch Ratings» халқаро агентлиги томонидан Фарғона вилоятига «BB-» даражасидаги «Барқарор» рейтинг берилиши ҳудуднинг молиявий барқарорлиги халқаро мезонлар асосида баҳоланганини аниқлатади. Бу рейтинг инвестицион даражадан бироз паст бўлса-да, аммо ҳудуднинг молиявий мажбуриятларини бажариш имконияти барқарор эканини кўрсатади. Бу эса яқин келажақда рейтинг пасайиши эмас, аксинча, янада кўтарилиши эҳтимоли юқори эканини билдирди.

Халқаро агентлик хулосаларига кўра, Фарғона вилоятда бюджет интизоми сақланиб келмоқда. Қарз юки нисбатан паст даражада, молиявий бошқарув тизими самарали, иқтисодий фаоллик юқори ва ўрта ҳамда узоқ муддатли фискал салоҳият барқарор ҳисобланади. Шунингдек, агентлик томонидан 2030 йилга қадар ҳудуднинг қарзни қоплаш коэффициентини хавфсиз даражада сақланиши прогнози қилинган. Бу кўрсаткичлар ҳудуднинг ташки молия бозорларида ишончли субъект сифатида тан олинishiга хизмат қилади.

Дарвоқе, ҳудудларга халқаро кредит рейтингини берилиши инвестицион муҳитни яхшилашда муҳим омил ҳисобланади. Инвесторлар учун рейтинг ҳудуднинг иқтисодий ҳолати, молиявий интизоми ва хавф даражасини баҳоловчи асосий мезонлардандир.

Фарғона вилоятига берилган рейтинг қатор ижобий натижаларни олиб келади. Жумладан, бу хорижий инвестициялар ҳажмининг ошиши, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш, хусусий сектор фаоллигининг кенгайиши, халқаро имижнинг мустаҳкамланиши шулар сирасига қиради.

Буларнинг барчаси ҳудуднинг ташки иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро рейтинг олиши вилоятнинг ички ва ташқи иқтисодий муносабатлардаги ишонч даражасини ошириб, уни ҳаҳон молия бозориди рақобатбардош ҳудудлар қаторига олиб чиқади.

Баҳодир ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
хўзуридаги Давлат сийасати ва
бошқаруви академияси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.



258 МИЛЛИОН БОЛА ТАЪЛИМ ОЛИШДАН МАҲРУМ

БМТнинг инқироз даврида таълим бериш бўйича жамғармаси эълон қилган янги ҳисоботга кўра, дунё бўйлаб 258 млн. мактаб ёшидаги бола ва ўсмир инқирозлар сабабли таълим ололмаган.

Улардан 93 млн. нафари мактабга бориш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлган. Мажаролар ва гуманитар инқирозлар туфайли мактабга бормаётган болаларнинг деярли 80 фоизи вазиет энг оғир бўлган 20 та мамлакатда яшайди.

Хисоботда айтилишича, дунё миқёсида таълим соҳасига қилинган ҳужумлар 40 фоизга кескин ошди. 2024 ва 2025 йилларда 8556 та шу каби ҳолат қайд этилган. Оқибатда 10 600 нафар талаба, ўқувчи ва ходим ҳалок бўлган, яраланган, ўғирланган ёки ҳибсга олинган.

КАСПИЙ ДЕНГИЗИ САЁЗЛАШМОҚДА

Сўнгги 30 йилда Каспий денгизи сатҳи 2,3 метрга пасайиб, майдони қарийб 24 минг квадрат километрга қисқарди.

Янги илмий тадқиқотга кўра, бу жараённинг атиги 37 фоизини глобал исиш билан изоҳлаш мумкин, қолган қисмига нима сабаб бўлаётгани эса ҳозирча номаълумлигича қолмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, Каспий денгизининг саёзлашиши абадий давом этмайди. Глобал иқлим ўзгариши кейинги ўн йилликларда денгиз узра ёгингарчиликнинг кескин қўлайишига олиб келиши мумкин. Бу эса, аксинча, Каспий сатҳининг яна кўтарилиши ва атрофдаги ҳудудларни сув босиш хавфини юзага келтиради.

Тадқиқот муаллифлари шунинг учун Каспий бўйидаги давлатлар нафақат ҳозирги саёзлашиш, балки келажақда эҳтимолий сув кўтарилишига ҳам тайёр туриши лозимлигини таъкидлайди.

САЙЁРАМИЗГА ҚАНЧА ОДАМ СИҒАДИ?

Ер аҳолиси 2022 йилнинг ноябрь ойида 8 миллиард кишига етган эди. Бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич яна 400 миллионга ошди. БМТ маълумотларига кўра, 2037 йилга бориб одамлар сони 9 миллиардга етади, 2080 йилда эса сайёраимизда 10,4 млрд. киши яшаши мумкин.

БМТнинг Аҳолишунослик бўлими 10 миллиардлик кўрсаткич 2100 йилгача ўзгармаслигини маълум қилмоқда. Олимлар бундан кейинги давр учун ҳеч қандай маълумот келтирмаган. БМТ вакили Патрик Герланднинг таъкидлашича, демографлар келажаққа қанчалик узоқ назар ташласа, уларнинг башоратлари шунчалик ноаниқлашиб боради.

Ҳозирча олимлар Ер қанча одамни сиғдира олиши ҳақидаги аниқ рақамни айтолмайди. Аксарият мутахассислар сайёраимизда 10 миллиарддан кўп одам бўлмаслигига ишончи қомил.

ЙЎҚОЛГАН КАРТИНА ТОПИЛДИ

Машҳур рассомнинг картинаси Парижнинг жануби-шарқий чеккасида — Шампиньон-сюр-Марн шаҳрида гиёҳвандлик моддалари савдоси бўйича очилган иш доирасида ўтказилган тинтув пайтида топилди.

Айтилишича, бу асар бирмунча вақт муқаддам Париждаги санъат буюмларини сақлаш омборидан ўғирланган, у аслида сингапурлик коллекционер аёлга тегишли. Ўғирликда гумон қилинаётганлардан бири ўша омборда қўриқчи бўлган.

Мазкур картинанинг расмий номи ҳали ошкор этилмаган, лекин экспертлар томонидан тасдиқланган. «Le Parisien» газетаси хабарига кўра, Пабло Пикассонинг картинасидан ташқари, полиция уйдан гиёҳвандлик моддалари, қимматбаҳо кийимлар ва бир неча минг евро нақд пулни мусодара қилган.

Интернет хабарлари асосида
Шорофидин ТҶУЛАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

BILDIRGI

“Xalq so'zi” gazetasing joriy yil 20-iyulda 125-sonida chop etilgan “Mikroreditbank” aksiyadorlik tijorat banki aksiyadorlari diqqatiga” sarlavhali e'londagi “Aksiyadorlarni ro'yxatga olish 2026-yil 10-iyul kuni soat 9:00 dan 10:00 gacha davom etadi” degan jumla “Aksiyadorlarni ro'yxatga olish 2026-yil 13-iyul kuni soat 9:00 dan 10:00 gacha davom etadi” deb o'qilsin.

«Mikroreditbank» ATB.

ГИЁҲВАНДЛИК: МУРОСАГА ЎРИН ЙЎҚ



Аср вабоси

Ўзбекистонда ҳам ушбу сана муносабати билан ҳар йили профилактик ва маънавий-маърифий тадбирлар, турли акциялар уюштирилади. Ушбу анъанани давом эттирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳрида “Жаҳондаги наркотиклар: долзарб муаммолар, янги қаҳриқлар ва уларни бартараф этишнинг инновацион ёндашувлари” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат ва ҳудудий комиссиялар аъзолари, мутахассис идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Дастлаб мавзуга доир видеоролик намойиш қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат

қилиш агентлиги, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда гиёҳвандлик воситалари тарқалишининг олдини олиш дастури раҳбарлари ушбу тадбир нафақат гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг амалий ифодаси, балки халқаро ва маҳаллий ташкилотлар ҳамкорлигидаги ўзаро ишонч ва бирдамлик муҳитини намойён этувчи муҳим ташаббус эканини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомиди БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Афғонистон, Марказий Осиё, Эрон ва Покистондаги минтақавий ваколатхонаси ходими Саломе Флорес хоним 2025 йилда дунёда кузатилган нарковазият тўғрисида БМТ ҳисоботини тақдимот қилди. Гиёҳвандлик муаммосининг кенгайиши таҳлили унинг турли ижтимоий қатламларга, жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар орасига ҳам кириб бораётганини кўрсатмоқда, бу тенденцияга қарши



курашишда бутун жамият — ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, таълим маассасалари, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари бirlашган ҳолда ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Тантаналий маросимда гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ давлат идоралари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари “Наркотикларга қарши курашиш фидойиси” кўкрак нишони билан

тақдирланди. Шунингдек, гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича “Тарғибот аълочиси” кўрик-танлови ғолиблари мукофотланди.

— Ушбу тадбир гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашда жуда ҳам аҳамиятли, — дейди Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими Шухратжон Фуломов. — Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бу офатнинг хавфи тўлиқ англланган ҳолда жиддий кураш олиб бори-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6